O'ZBEKISTON
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 1 июль, №135 (3247) Сешанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июнь куни Оқсаройда Франция мудофаа вазири Мишел Аллио-Марини қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар муттасил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Марказий Осиёда ўз манфаатларига эга бўлган Франция билан алоқаларимизни юксак қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов.

Франция томони ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. У мамлакатимизга Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни сақлашдаги ўта муҳим давлат сифатида қарайди.

НАТО аъзоси бўлган Франция Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг фаол иштирокчисидир. Шимолий алянсининг ўтган йили Прагада бўлиб ўтган саммитида ташкилотнинг минтақамиз мамлакатларига эътиборини кучайтиришга келишиб олинган эди. Франция мудофаа вазирининг ташрифидан кўзланган мақсад икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳамда НАТО билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юзасидан фикр алмашишдир.

Учрашувда мазкур масалалардан ташқари, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги тикланиш ишлари борасида ҳам сўз борди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни давлатга 230 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб бериб, мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу ғалабани қўлга киритишда Сурхон воҳаси миришкорларининг бой деҳқончилик тажрибаси, ризқ-рўзимиз манбаи — ерга, меҳнатга янгича муносабати, ғайрат-шижоати, доимо янгиликка интилиш каби олижаноб фазилатлари асосий омил бўлгани шубҳасиз.

Сизларнинг об-ҳаво ноқулай келган бу йилги шароитда кетма-кет ёққан ёмғир, айниқса жала ва дўл сингари табиат инжиқликларини енгиб, бошоқли дон экинларини юксак агротехника талаблари асосида парвариш қилганингиз, ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳар гектар ердан 43 центнердан ҳосил кўтарганингиз бу ҳақиқатни яққол исботлаб турибди.

Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб астойдил меҳнат қилаётган сиз, мард ва ориятли, ўз сўзида қатъий турадиган Сурхондарё аҳли бошқа соҳаларда ҳам белгиланган марраларни эгаллашингизга барчамиз ишонамиз.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, ширкат хўжаликлари аъзоларини, механизатор ва мутахассисларни, бир сўз билан айтганда, шу улкан хирмонга ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларни бугунги меҳнат зафари билан яна бир бор қутлайман.

Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, элюртимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда янги-янги ютуқлар, хонадонларингизга эса тинчлик, файзу барака тилайман.

Доимо ишингиз бароридан келсин, бахту омадингизни берсин, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ризқи бутун элнинг хирмони

Сурхондарё вилояти ғаллакорлари бултур ўз деҳқончилиги тарихида давлатга дон топшириш бўйича шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб бажаришганди. Шу муносабат билан Президентимиз воҳа деҳқонларига табрик йўллаб, сурхондарёликлар ғалла етиштириш ва ундан юқори ҳосил олиш бўйича ўзига хос мактаб яратганликларини таъкидлаган эди. Қарангки, вилоятда бу йил ҳам ғалла мўл бўлди.

Ғаллакорлар ўтган йили кузда 95 минг гектар суғориладиган ва 6 минг гектар лалми ерга синалган навларнинг уруғини сочган эди. Деҳқон тадбир билан ишлади. Ўзидан уста ва тажрибали ҳамкасбларидан намуна олиб меҳнат қилди. Ишлаганда ҳам, элнинг ризқ-насибаси, тайёрловчи билан тузилган шартнома мажбурияти ва айни пайтда ўз рўзғорининг омборига қанча ғалла тўкилиши мумкинлиги кўз олдида турди. Натижада 10 минг тоннадан зиёд дон сотган Сариосиё туманида шартнома режаси қарийб 4 иш кунида бажарилди. Қизириқликлар республикада биринчи бўлиб ғалаба ҳужжатига имзо чеккан бўлсалар, бугун Термиз, Жарқўрғон, Ангор, Шўрчи, Денов, Қумқўрғон туманларининг марду майдонлари ҳам белгиланган довонни забт этдилар.

Вилоят бўйича эса 310 минг тоннадан зиёд дон йиғиштириб олинди. Унинг 230 минг тоннадан кўпроқ тоннаси давлатга сотилди. Ҳосилдорлик ўртача 43 центнерни ташкил қилди. Бу рақамлар сурхондарёликлар бултур эришган ютуқларнинг тасодифий бўлмаганлигини кўрсатмоқда.

Биз Жарқўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкат хўжалиги ижарачиси Аваз Маматқулов билан суҳбатлашамиз.

— Бугун биз ким учун, нима учун ишлаётганимизни биламиз, — дейди у. — Рўзғоримиз меҳнатимизга яраша бўлишини ҳам жуда яхши англаймиз. Чунки мустақиллигимиз бизга катта дунёқараш, олмос тафаккур, тоза маънавиятни бахш этди. Бу — меҳнатдан баҳрамандлик, Ватандан миннатдорлик, элнинг шу кунига ва эртасига дахлдорлик, хонадон-рўзғорининг тўкинлигига масъулият.

Аваз Маматқулов ҳар гектар ердан 70 центнердан ғалла хирмони уйибди. Бошқарув раиси Ориф Элмуродов «Шартномадан зиёдаси — ўзингизники» деб унинг уйига 10 тоннага яқин донни хўжалик уловида ташлаб кетибди.

Эслатиб ўтамиз: ҳосилдорликни 40-50 центнерга етказган ёки режани бажарган хўжаликларни бундан 4-5 йил аввал бармоқ билан санаса бўларди. Энди-чи? Эндиликда ҳамма Аваз Маматқуловдай ишлашга интилмоқда. Шунга эришмоқда ҳам. Шу кунгача мавжуд 136 та ширкат хўжалигининг 112 таси, пудратчи ва фермер хўжаликларининг 90 фоизи шартнома режаларини бажаргани шундан далолат беради.

— Тайёрланган буғдойнинг сифатига путур етказмасдан сақлаш учун имкониятларимиз ҳам етарли, — дейди вилоят дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ҳиссадорлик уюшмаси бош муҳандиси М. Ҳайдаров. — Юқори сифатли ун ишлаб чиқаришга ҳам ўрганиб қолдик. Хорижга экспортга чиқараётган унимизни юқори баҳоламоқдалар.

Яна бир янгилик. Вилоятда бу йил энг кўп — 17,5 минг тонна уруғлик буғдой жамғариб қўйилди.

Биз уларга «Эзгу ниятларингиз умрларингизнинг йўлдоши бўлсин!» деймиз.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган юридик шахсларни солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш ва тартибга солиш, товар айланишини рағбатлантириш ҳамда бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 июлидан бошлаб улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар), умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи жорий этилсин.

Мазкур корхоналарда назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинадиган нақд пул тушумини инкассация қилишда белгиланган қоидаларга риоя этиш ялпи даромад солиғини тўлашга ўтишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

2. Белгиласинки, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан корхоналарнинг ихтисослашуви, жойлашуви ва бошқа ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тарзда белгиланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, ялпи даромад солиғи:

улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи тушумдан ягона солиқ тўлаш ўрнига;

чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ ўрнига тўланади.

Белгиласинки, улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар) ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғини тўлаш билан бир қаторда умумбелгиланган тартибда мулк солиғини ҳам тўлайдилар.

4. Улгуржи савдо корхоналарига ўзининг фирма дўконлари орқали нақд пулга майда улгуржи ва чакана савдони амалга оширишга назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ва нақд тушумни белгиланган тартибда инкассация қилиш шарти билан рухсат берилсин.

5. "Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сон Фармонининг 1 ва 2-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда: амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин; идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 30 июнь.

МАГИСТРЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назокат Усмонова).

Тошкент ахборот технологиялари университетида битирувчи ёшларга магистрлик дипломини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов ёшларни бу унутилмас воқеа билан қутлаб, юртимизда ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини кенг жорий этиш ҳамда улардан фойдаланишда пухта билимга эга мутахассисларнинг ўрни беқиёс эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги барча ишларда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларни фаол қўллашга асосланган илғор таълим тизимлари тобора изчил жорий этилаётир.

Ушбу Фармон кўсатмаларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилган эди. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб бу ерда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, кўчма радиотелефон алоқаси, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашга киришилди.

— Телекоммуникация ва ахборот технологиялари факультетини тамомлаб, бошқарув тизими мутахассислиги бўйича магистрлик дипломини олдим, — дейди Камолиддин Раҳимов. — Ўқиш жараёни баробарида "ЎзПАК" маълумот узатиш корхонасида муҳандис бўлиб ишлаяпман. Университетда олган билимимни соҳа ривожи учун сарфлашга астойдил интиламан.

Гулистондан келаётган эдим. Ёнимда ўтирган киши газетада ишлашимни билгач, шундай савол берди:

— Президентимиз сизлардан ҳақиқатни ёзинглар, камчиликларни рўй-рост айтинглар, танқид қилинглар, муаммоларни ўртага ташланглар деяпти. Сизлар нимага жимсизлар?

Ростдан ҳам нега жиммиз? Менимча, барча қалам аҳли, халқ дарди билан яшаётган ҳар бир журналист ўзига шу саволни бериб кўрадиган вақт етди.

Халқ барини кўриб турибди

Илгари яхши баҳонамиз бор эди: ким нима деса цензурани рўкач қилардик. Зўр мақолам бору чиқаришмаяпти ёки саҳифадан олиб ташлашди дер эдик. Бугун энди нимани баҳона қиламиз?

Юртбошимиз деярли барча чиқишларида биз, журналистларни ошкораликка, ҳалолликка, бор нарсаларни бўямасдан ҳаққоний ёритишга ундаяпти. Демократик жамият қурмоқчи эканмиз, биз учун бошқа йўл йўқ. Ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табрик хатида Президентимиз журналистлар зиммасига катта вазифалар юклаган ва бизни холисликка ундаган эди:

«Бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисўзлик муҳити ҳукмрон бўлади».

Мамлакатимиз раҳбарининг бу йилги табрик хатини бутургисининг мантиқий давоми дейиш мумкин:

«Оммавий ахборот воситалари воқеликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, авваламбор одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада том маънода фидойилик кўрсатмоғи лозим».

Ҳақиқатан ҳам, назаримда, биз журналистларда фидойилик етишмаяпти. Телевизорнинг истаган каналини бураб кўринг, истаган газетани варақланг. Ҳамма томон мақтов ва олқишлардан иборат. Нақотки, камчиликларимиз, танқид қиладиган нарсаларимиз, муаммоларимиз бўлмаса?

Ҳақиқатни кимдан яширяпмиз? Ахир халқ барини кўриб-билиб турибди-ку. Ҳоким нима иш қилаяпти, хўжалик раҳбари нима юмуш билан банд, одамлар буни билади.

Хўш, бугун нега газеталаримизнинг тиражи камайиб кетди? Баҳона кўп: кимдир одамлар газета ўқимай қўйди деса, бошқа биров буни иқтисодий қийинчиликка боғлайди. Аслида-чи? Бу икки баҳона ҳам ёлғон. Одамлар ўқияпти, газета сотиб олишга уларнинг пули ҳам етарли. Ахир, бугун «Даракчи», «Ҳордиқ», «ПрессТИЖ» каби нашрлар юз минглаб нусхада чиқаяпти, бари сотилиб кетаяпти-ку.

Бунинг сабаби бошқа: газеталарда ранг-баранглик йўқ. Ҳаммаси бир хил. Бошдан-охир баландпарвоз гаплар.

Яқинда бир дўстим газетхонларнинг савияси пасайиб кетаётгани, улар ҳаётий мақолалар қолиб турли хил олди-қочдиларга ўч бўлиб бораётганидан нолиб қолди. Савол тугилади: Газетхоннинг дидини ким шакллантиради? Нега 90-йилларда яйловдаги чўпон ҳам, даладаги деҳқон ҳам истиқлол, тил, миллий давлатчилик ҳақидаги мақолаларни жондили билан ўқирди, шулар ҳақида фикр юритарди. Чунки дид шундай жонлантирилганди. Бугун газеталаримизда ўқийдиган, мушоҳада қиладиган жиддий мақолалар кам бўлгани учун газетхон қайси актёр қачон туғилган ёки қайси актриса нечта эрга теккани билан қизиқалиган бўлиб қолди. Бунинг учун ўзимиздан ўпкалашимиз керак.

Яқинда истиқлолимизнинг ўн икки йиллигига бағишлаб Фарғона водийси вилоятларида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ташаббуси билан қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Давраларга одамлар сиғмай кетди. Мулоқотлардан билдикки, халқ рост гапга, ҳақ гапга интиқ.

Бир учрашувда ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ўтирганларга қарата: «Наҳотки сизларда мутлақо муаммо бўлмаса? Бугун неча пул маош олаяпсизлар? Нега газетага жойлардаги камчиликлар, нуқсонлар ҳақида ёзмайсизлар?» дея савол билан мурожаат қилди. Шунда бир аёл: «Муаммоларни ёзса бўладими?», дейди ҳайрат билан. Тўғрисини тан олишимиз керак, одамларнинг шундай фикрлашига қайсидир маънода биз айбдормиз.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида матбуотнинг ўрни беқиёс. Албатта, у қўлга киритилган ютуқларни кўрсатиши, одамлар қалбида Ватанга, юртга нисбатан фахр, ютуқлардан ғурурланиш ҳиссини уйготиши керак. Шу билан бирга олга силжишимизга, ислоҳотларнинг жойларда амалга ошишига тўғаноқ бўлаётган порахўрлик, боқимандалик, мансабпарастлик, маҳаллийчилик каби иллатларга ҳам кескин курашиши лозим. Бугун биздан халқ, Ватан, Юртбошимиз ҳақ гапни айтишни талаб қиляпти. Рост гапни дадил айтадиган, рост гаппнинг қадрини баланд кўтарадиган фурсат етди.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Водийда биринчи

ОЛТИАРИҚ туман меҳнаткашлари, мана бир неча йилдирки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида Фарғона вилоятида пешқадамликни қўлдан бермай келяптилар. Куни кеча туман ғаллакорлари давлат омборларига 24,5 минг тонна сара дон топшириб, белгиланган шартномавий режани водийда биринчи бўлиб адо этишди. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил қарийб 50 центнерни ташкил этди. Эришилган ғалабага 55 центнерлик марраданўзган "Повулғон", "Янгиобод", "Ўзбекистон" ширкат хўжаликлари деҳқонлари улуши салмоқли бўлди. Ҳозирнинг ўзида ғаллакорлар хонадонларига 15 минг тонна буғдой тарқатилди. Туманда ўрим-йиғим давом этаяпти, қолган ҳосилни аҳолига бўлиб бериш кўзда тутилмоқда.

Япон шеъриятини бошқа тилга таржима қилиш анча машаққатли иш саналади. Япон шеъриятининг ўзига хос жиҳатларини бошқа тилда мукаммал акс эттириш учун шоир ва таржимон бўлишнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун япон урф-одатларини, япон маданиятини ва албатта Япония халқини яхши билиш керак.

Абдулла Орипов — Сока университети профессори

Халқимизнинг атоқли шоири Абдулла Ориповнинг бу ишга қўл урганини ҳаммамиз яхши биламиз. Унинг XX аср қаҳрамони, буюк гуманист Дайсаку Икеда асарларини ўзбекчага ўгиргани ўзбек китобхонлари томонидан юксак баҳоланган. Японияннинг Ҳачиоджи шаҳрида бўлиб ўтган бу икки шоирнинг юзма-юз учрашуви эса Японияннинг "Сейкё" газетасида атрофлича ёритилди.

Абдулла Орипов бошчилигидаги ўзбекистонлик ёзувчилар гуруҳи ташрифи муносабати билан 2003 йил 19 июнь куни Японияннинг Ҳачиоджи шаҳридаги Сока университетида катта ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда японялик талабалардан ташқари Сока университети ректори, Фукушима префектурасидаги Сока қизлар коллежининг директори ва Ўзбекистон элчихонаси вакиллари иштирок этишди.

Учрашув чоғида Сока университети ректори Т.Вакае "Марказий Осиёнинг машҳур шоири" Абдулла Ориповни илиқ кутиб олди ва унга "университет профессори" унвонини тақдим этди.

"Жаҳон"АА.

«СИФАТ»нинг Бугуни

Ўзбек пахтасининг жаҳон бозорида рақобатбардошлилигини ошириш, пахта толасини сертификатлашнинг юқори даражада бўлиши ҳамда толанинг нарх кўрсаткичлари бўйича устуворлигини таъминлаш мақсадида 1998 йили Ўзбекистон "Сифат" маркази ташкил қилинганди. Унга аввало, республикада ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг сифатини жаҳон бозори талаблари асосида синовдан ўтказиш ва сертификатлаш вазифаси юклатилди. Шунингдек, пахта тозалаш саноати корхоналарини, истеъмолчиларни ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларни пахта толасининг стандарт намуналари билан таъминлаш, таснифлаш бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда ўзбек пахтаси толасининг рақобатбардошлигини ошириш учун шароит яратиш сингари ишларни амалга ошириш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки ўртасидаги келишув битимига кўра, ташкилотга ажратилган кредит эвазига вилоятларда пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толаси сифатини аниқловчи юқори самарадор, замонавий HVI тизими билан жиҳозланган ҳудудий лабораториялар барпо қилинди. HVI тизими бу толанинг узунлик бўйича бир хиллик, пишиқлик, микронейр (ҳаво ўтказувчанлигига қараб толанинг ингичка ва пишиб етилганлиги), ранг ва ифлосланганлик кўрсаткичларини аниқловчи асбоблар тизимининг қисқартирилган шакли бўлиб, бу тизимнинг самарадорлиги юқори. У тез фурсатда толанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради. Бу тизимнинг умумий бир тармоққа узвий уланганлиги Ўзбекистондан ташқари жаҳоннинг фақат АҚШ ва Австралия давлатларидагина мавжуд. Ана шу узвийлик туфайли кунлик ўтказилган синов натижалари Тошкентдаги миллий маълумотлар базасида умумлаштирилади. Бу эса синов ишларини назорат қилиш имконини беради.

— Пахта толасининг сифатини баҳолаш мақсадида республиканинг барча вилоятларида марказнинг 13 та ҳудудий лабораторияси фаолият кўрсатмоқда, — дейди марказ раҳбари, техника фанлари номзоди Валерий Устюгин. — Толанинг тойма-той синови классёрлик усули (бу пахта толасига, нави ва синфи бўйича ташқи кўринишига қараб баҳо беришдир)да ранг ва ташқи кўриниши бўйича эталон намуналари ёрдамида бажарилади. Шунингдек, 1-32 дюйм бўйича узунлиги ва микронейр кўрсаткичи аниқланади.

Дунё амалиётига кўра, пахта толасини сотишда унинг саноат нави, синфи, типи, микронейри ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам толанинг бу каби хусусиятларини аниқлаш мажбурий синов жараёнига киради. Республиканинг жами пахта толаси шу йўл билан синовдан ўтказилади. Синов жараёнининг маълумотлари эса марказга юборилади. Мамлакатимиздаги пахта толаси O'z DST 604-2001 "Пахта толаси. Техникавий шартлар" давлат стандартига асосан истеъмолчилик хусусиятлари ва сифат даражаларини ифодаловчи уч гуруҳ — типи, нави ва синфи

Ислоҳот самараси

бўйича таснифланади.

Пахта толасининг типи унинг узунлигини ифодалайди. Жами тўққиз тип мавжуд. Нави унинг ранги ва пишиб етилганлиги билан аниқланади. Унинг бешта нави белгиланган. Биринчи нав нормал пишиб етилган,об-ҳаво таъсирида шикастланмаган пахтага берилади. Бошқа навлар эса толанинг ташқи кўринишидан, доғларнинг мавжудлиги ҳамда пишиб етилишининг ёмонлашуви билан фарқланади. Пахта толасининг синфи толанинг нуқсон ва ифлос аралашмалар билан ифлосланганлик миқдорини ифодалайди. Буни аниқлаш учун толанинг ташқи кўринишига асосланган эталон намуналаридан фойдаланилади. Пахта толасининг типлар бўйича ассортименти ҳақида гап кетганда, асосан 4-ва 5-типлар кўпроқ қўлланилади.

Айтиб ўтиш жоизки, толанинг типига бўлган эҳтиёж республикамиз ва хориж мамлакатларининг тўқимачилик саноати эҳтиёжлари билан аниқланади. Типлар бўйича ассортимент бозор талабларига биноан шаклланади. Ўзбекистон Республикасининг пахта толаси етарли миқдордаги тола пишиқлигига эга бўлиб, юртимиздаги ҳамда хориждаги истеъмолчиларнинг талабларини қониқтиради.

Толанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш юзасидан ўтказилган синов натижалари асосида вилоятлардаги ҳудудий лабораториялар толанинг сифати ҳақидаги ҳужжат — Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириб беради. Бу сертификат пахта толасининг аниқ бир партияси давлат стандартларига мувофиқ келишидан гувоҳлик беради ва унинг республика чегарасидан четга чиқарилишини расмийлаштиришда мажбурий ҳужжат ҳисобланади.

— Ўзбекистон пахтасининг нархини ошириш мақсадида қатор ташкилотлар билан биргаликда толани таснифлаш ва синовдан ўтказиш тизимлари ислоҳотлари амалга ошириляпти, — дейди В.Устюгин. — Толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича тақсимланиши жаҳон бозорида қабул қилинган қоидаларга мувофиқ ўзгартирилди. Тола сифатини аниқлаш усуллари жаҳон андозалари асосида ишлаб чиқилди. Пахта толасини мажбурий сертификатлаш жараёни йўлга қўйилди. Натижада жаҳон нархлари рейтингида Ўзбекистон пахтасининг нархи юқори поғонага кўтарилишига эришилди.

Яна бир гап. Марказда 1996 йилдан бошлаб ўқув маркази фаолият кўрсатяпти. Унинг раҳбари Шамиль Гумаров билан суҳбатлашганимизда, у бу ерда икки ойлик курс бўйича толанинг сифат кўрсаткичларини аниқловчи мутахассислар тайёрланишини айтди. Марказда халқаро ва республика стандартлари асосида тола сифат кўрсаткичларини классёрлик усулида ҳамда HVI тизими асосида аниқлаш усуллари ўқитилади. Шуни таъкидлаш жоизки, бундай ўқув маркази АҚШнинг Мемфис штатида ва Польшанинг Гдиня шаҳрида мавжуд, холос.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон "Сифат" маркази томонидан жаҳон бозори талабларига жавоб бермайдиган ғўза навлари районлаштирилишининг олдини олиш, селекционер олимларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида истиқболли ғўза навларидан олинган тола намуналарини синаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ўта муҳим тадбирларнинг ўз вақтида самарали бажарилиши дунё бозорида ўзбек толасига истеъмолчилар томонидан бўлган талабнинг ошишига замин яратади.

Бугунги кунда "Сифат"да иш қизғин...

Умида ФАЙЗИЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қашқадарё вилоятининг бир қатор, жумладан, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари аҳолисининг бир қисми баланд тоғ этакларида яшайди. Қорли-қировли кунларда у ерларга бориш анча қийин. Йўлларни қор босиб, аҳоли тўрт-беш ойлаб туман марказидан узилиб қолади. Баҳорнинг тинимсиз сел ва жалалари ҳам тоғликлар юрагини безиллатиб қўйган.

Мамлакатимиз тоғли ҳудудларида яшаётган аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш, улар учун қулай шарт-шароит яратиш борасидаги хайрли ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.



ТОҒЛИКЛАР МАМНУН

Бу ғамхўрликнинг яққол исботи сифатида баланд тоғда жойлашган Қабзахона ва Мусабозор қишлоғида истиқомат қилаётган кишилар Китоб шаҳри яқинида бунёд этилган янги, замонавий қўрғонларга кўчиб ўтганини келтириш мумкин. Жумладан, 110 уйли Қабзахона қишлоғи аҳли Шодмон Умаров номидаги ширкат хўжалигидаги ана шундай қўрғонга жойлашди.

— Туманимизда ўндан зиёд тоғ қишлоғи бор, — дейди Китоб тумани ҳокимининг ўринбосари Ҳабиба Хидирова. — Уларнинг аксарияти осмонўпар чўққилар орасида, табиий офат хавфи кучли ҳудудларда жойлашган. У ердаги аҳоли ишсизлик, ижтимоий таъминот ва коммуникациянинг қийинлигидан азият чекиб келарди. У ерларда на дурустроқ йўл, на электр, на табиий газ бор эди. Шу боис ҳам қулай шароитларга эга қўрғонларга кўчириш масаласи ҳукуматимиз томонидан кўриб чиқилди.

Қисқа вақт ичида 112 коттеж қуриб битказилди. Уйлар газ, ичимлик суви, электр энергияси билан тўла таъминланди. Кўчаларга асфальт ётқизилди. Ҳозирда бу ерда 160 ўринли мактаб, эллик ўринли қишлоқ врачлик пункти, маҳалла гузари бунёд этилмоқда. Уларнинг барчаси мустақиллик байрами арафасида ишга туширилади.

— Қабзахона туманимиздаги энг чекка ва олис қишлоқ бўлгани учун аҳолисининг ҳолидан бохабар бўлиб туришга қийналар эдик, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими раиси Абдужаббор Раҳмонов. — Кўчиш бошланишидан аввал тоғ қишлоқлари аҳолиси билан суҳбатлар ўтказдик. Бу масалада уларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинди.

Кўчиб келганларни иш билан таъминлаш мақсадида 300 гектар лалми, 200 гектар суғориладиган ер ажратилди. Шунингдек, Мусабозор қишлоғи аҳолиси учун ҳам туманнинг текислик қисмидан янги қўрғонга асос солинди.

— Баъзи оғзига кучи етмаганлар гўё бизни кимдир мажбурлаб кўчирди, деб гап сотаётган эмиш. Билмаганлар билиб қўйсин — бизни ҳеч ким бу ерга мажбурлаб кўчиргани йўқ, — дейди қабзахоналик муаллим Мўмин Холиқов. — Биз ҳам бошқалар қатори шинам уйларда яшашга, фарзандларимиз замонавий мактабларда ўқишга ҳақли. Янги қўрғонимизда эмин-эркин яшашимиз учун барча шароит бор. Қишлоғимиз аҳли учун Шодмон Умаров номидаги, "Қишлиқ" ширкат хўжаликлари ҳамда Китоб тумани ўрмон хўжалигидан ер ажратилди. Бу ерларни боғу роғларга, замонавий кўркам масканларга айлантирамиз.

— Мактабни яқинда тугатдим, — дейди Нигора Халилова. — Мактабимиз жуда ночор аҳволда эди. Қишлоғимиз ёшлари ҳам катта шаҳарларда ўқишни орзу қилишади. Аммо, йўл азобидан чўчирдик. Мана, энди аҳвол ўзгарди.

— 16 йил тоғда яшадим, — дейди қабзахоналик Шарофат Назарова. — Шаҳрисабздан шу ерга келин бўлиб тушган эдим. Шаҳар кўрган эмасманми, тоғ шароитига кўникишим қийин бўлди, Йўллар жуда хавфли, туман марказига бориб келиш учун бир кун вақтимиз кетарди. Ҳозир янги қўрғонга кўчиб келдик. Ҳамма шароит бор. Бундан жуда хурсандмиз.

— Қариган чоғимда ҳукуматимизнинг бу хайрли ишидан мамнунман, — дейди Сони бобо Ражабов. — Юртбошимизга раҳмат! Биз — тоғликларнинг турмушимизни яхшилаш мақсадида барча шароитни яратиб беришди. Бутун умрим тоғда ўтди. Мана энди ажойиб шароитларни кўриб, хурсандлигимдан ҳангу манг бўлиб ўтирибман. Газ десанг газ, сув десанг сув тайёр, электр чироқлари порлаб турибди. Йўлларнинг текислигини айтмайсизми!

Ҳозир янги кўчиб келганларни иш билан таъминлаш, иш ўринлари ташкил этиш масалалари кўриб чиқилмоқда. Мутасаддиларнинг айтишича, булар ҳам қисқа муддатларда ҳал этилади.

Санобар БОЙМУРОДОВА,
Фахриддин БОЗОРОВ
(ЎзА).
СУРАТЛАРДА:
қабзахоналиклар ҳаётидан лавҳалар.
Шомурод ШАРОПОВ олган суратлар.

ТОНГЛАРИ БЕҒУБОР, ШОМЛАРИ СЎЛИМ

Пойтахт вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудида жойлашган "Дегантепа" маҳалласи "Тошкент-Бекобод" йўлининг чап қирғоғида жойлашган. Арк билан бошланувчи текис ва равон кўча бўйлаб бораверсангиз, 700 нафар аҳоли истиқомат қиладиган шу ҳудуднинг юзи, кўзи бўлган мўъжазгина масканга етиб келасиз. Меҳру оқибатли, гўзалликка ошуфта дегантепаликлар ва истеъфодаги полковник, меҳнат фахрийси, етти йилдан буён маҳалладошларининг яхши-ёмон кунларига бош-қош бўлиб келаётган маҳалла оқсоқоли Шермат ака Собиров албатта, сизни самимий табассум билан қарши олади.

Обод маҳалла – бизнинг маҳалла

Ҳар тонг одати бўйича "Маҳалла кўзгуси" олдида бир зум тўхтайди. Навбатдаги янгиликлар, энг сўнгги хушхабарларни ёзиб қўйгач, албатта "Азиз дегантепаликлар, "Обод маҳалла йили"да маҳалламиз янада файзли ва обод бўлсин!" деб алоҳида қайд қилиб қўйишни эсдан чиқармайди.

Ҳудудда ташландиқ ҳолда ётган дала шийпони ҳам шу оқибатли кишиларнинг ҳамжиҳатлигида бинойидек мактабга айлантирилди. Ишни, аввало, ҳашардан бошладилар, қолаверса оқсоқол ҳам тинибтинчимади. Мактаб қурилиб, ишга туширилмагунча ҳаловат билмади. Эндиликда меҳнаткашларнинг ўғил-қизлари олис масофага қатнаб ўқиш машғулотидан қутилдилар. Ўзларининг мўъжазгина билим масканлари бор. 73-мактабни тугаллаган йигит-қизларнинг аксарият қисми турли институтлар, коллеж ва билим юртларида таҳсил олишади.

Шунингдек қадимий, кўп йиллик тарихга эга бўлган "Дегантепа" қабристони ҳам ҳашар йўли билан таъмирланди. "Хотира ёдгорлиги", урушдан қайтиб келмаган 17 нафар маҳалладошлар хотираси шарафига рамзий қабрлар ўрнатилди.

Эгизак ака-ука Ҳасан-Ҳусанлар оналаридан етим қолгач, маҳалла аҳли қараб турмади. Йигитлар ўз бурчларини адо этиб қайтишлари биланоқ тўй тараддудини бошлаб юборишди. Аёллар совчилигу, қуда-андачиликни рисоладагидек уддалаган бўлишса, эркаклар топган-тутганларини ўртага ташладилар. Бир чиройли тўй бўлди. Маҳалла оқсоқоли икки келинга икки полос совға қилди. Туман ҳокимлигидан ҳам жуфтликлар учун иккита гилам ажратилди.

Ҳашар йўли билан қилинган тўйнинг оши ҳам ширин, базми ҳам шоҳона бўлди. Мана энди эгизаклар уйлижойли, қизли, ўғилли. Ана шу хаёллар билан Шермат ака Ҳурбу Турсунованинг уйига етиб келганини сезмай қолди. Онахон меҳнат фахрияси, табаррук ёшда. Хасталик туфайли тўшак тортиб ётиб қолганлар. Лекин кўни-кўшни, маҳалладошларининг кўмаги, мурувватидан баҳраманд.

— Қандайсиз, аяжон? — Шермат ака фаришталадек кампирнинг кумушдек сочларини силаб қўядилар.

— Отдекман, болам, умримнинг адоғигача сизлардан розиман. "Дардинг олай, дардкашим" дея дардларимни аритган кунлар учун ҳам дуоижонларингизни қилиб яшаяпман. Бундай холисона дуоларни бахтсиз тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолган Ғайрат Дадаев, Худойберди Ҳайитқуловлардан ҳам эшитиб, оқсоқолнинг кайфияти кўтарилди, уларнинг дуои-саломларини эса маҳалладошларига етказишга ошиқди. Қолаверса, ҳали маҳаллада бажариладиган юмушлар талайгина.

"Дегантепа"да келажакни яратувчилар — ёш авлод камолга етаётир. Соғлом авлод — соғ авлод эканлигини ҳамма яхши билади. Юртбошимиз бугунги кун болаларининг жисман бақувват, ақлан баркамол бўлиб ўсишлари учун болалар спортини ривожлантиришга доир муҳим Фармон қабул қилди. Ана шу Фармоннинг ижроси каттаю кичик, ёшу қарининг ҳамжиҳатликда иш олиб боришига боғлиқ эканлигини Шермат ака маҳалладошларидан ҳам яхшироқ тушунади. Шунинг учунми, унинг бутун фикру хаёли бугунги кунда ҳашар йўли биланми, мутасадди ташкилотларнинг ҳомийлигидами, болалар спорт майдончасини ташкил этишда. Шунингдек, 73-мактаб болалари учун спорт майдончасига ер ажратишни тезлаштириб, маҳалланинг ўзида болалар учун сув ҳавзасини ташкил қилиши керак. Бунинг учун дастлабки хайрли ишлар бошлаб юборилди. Сув ҳавзасини бунёд этиш учун плиткалар келтириб қўйилди. Маҳалла гузарини ташкил қилиш, йўлларни таъмирлаш, "Кўк-булоқ" ота зиёратгоҳини ободонлаштиришни бошлаш керак.

— Яна сиз бу муаммоларни нега келтираяпти, деб ҳайрон бўлманг, — дейди оқсоқол. — Бу бизнинг амалга оширадиган режаларимиз. Четдан кимдир келиб юмушларимизни қилиб бермайди. Ҳаракат аввало ўзимиздан бўлиши керак, кейин эса барокат. Маҳалладошлар эл ҳашарида ҳозиру нозир эканлар, бир айланиб келсангиз, мана шу ишларнинг амалдаги ижросини кўрасиз-да. Шермат аканинг яратувчилик йўлидаги фидойилиги, элдошларига бўлган умид ва ишончига, тўғриси, ҳавасимиз келди.

Ҳа, кичик Ватан бўлмиш — маҳаллаларда қиламан десанг юмуш кўп, қидирсанг имконият ҳам топилади. Шермат ака сингари жоннисор эл фидойилари бор экан, маҳаллаларимиз ободликка юз тутаверади.

Анора КАРИМОВА.

Истеъмолчи

Тунов куни эрталаб ишга кетар чоғимда рўзғор учун ул-бул харид қилишга тўғри келди. Ўғлим билан маҳалламиз бекати ёнидаги дўконга кирдик. Сотувчи 22-23 ёшлардаги йигит экан. Мен елим халтачадаги печеньени кўрсатиб, шундан беришини айтдим. У: "Бор-йўғи шу қолган" дея тарозига қўйди. Ўлчов стрелкаси 480 граммни кўрсатди. "Ярим кило экан" деди сотувчи. Унинг бу муомаласидан бироз иккилансам-да, эрталабдан кайфиятимни туширмайин, деб пулини узатдим. Сўнг харидларни ўғлимга бериб юбордим-у ишга шошилдим. Барибир кўнглим хижил бўлди, ўзимни койий бошладим: "Нега ҳақимни талаб қилмадим? Харид қилган нарсамга чек бермади ёки фақат сўраган кишиларгагина берадими?" Бу ўй-хаёллар мени истеъмолчилар ҳуқуқи қандай ҳимоя қилинаётгани билан танишишга ундади.

Ҳуқуқини билган панд емас

— Ҳали ҳам кўпчилик юртдошларимиз, сиз айтиб ўтгандек, "арзимаган иш учун вақтимни йўқотиб юраманми" дея андишага боришади,— дейди Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси раиси Искандар Холмирзаев.— Ваҳоланки, ҳозир замон тамоман ўзгарган. Давр нуқтаи назаридан қараганда хизмат кўрсатишнинг қайси бир бўғинида бўлмасин, нуқсонларни кўрганда "Назорат қилувчи йўқ" дея айбни жамиятга ағдариш ярамайди. Мана ўзингиз айтган печеньени уйга боргач, татиб кўрганингизда билдингизки, сифатсиз. Истеъмол қилолмайсиз, лекин уни дўконга қайтариб берай десангиз қўлингизда касса чеки йўқ. Пулга куйиб қолиш, албатта, кишига алам қилади. Энди ўйлаб кўринг, бунинг учун жамиятни айблашга ҳақимиз борми? Ўйлайманки, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун билан танишган юртдошларимиз "йўқ" деб жавоб беришади.

— Мана, айтайлик, кўпчилик юртдошларимиз шифохоналардаги кўрсатилаётган тиббий хизматдан нолиб қолади,— дея суҳбатга қўшилди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Зуҳро Сайдаминова.— Бироқ ўзи бирон жойи оғриб даволаниш учун мурожаат қилганда касаллигига кўра, шифокор айтган дориларни қидиришга шошилади. Ваҳоланки, шифокорга "қўлингизда қандай дорилар бор, расмий рўйхатини беринг, йўғини ўзимиз олишга ҳаракат қиламиз", деб муносабатда бўлишни хаёлига ҳам келтирмайди. Бундай деяётганимнинг сабаби, яқинда бизга Наманган вилоятининг Уйчи туманида яшовчи Наргиза Маматова шикоят билан мурожаат қилди. Унинг шикоятини ўрганганимизда, у соғлиғини тиклаш мақсадида бир неча бор Уйчи туман марказий шифохонасида ётиб даволанган. 1997 йилда ҳам мазкур шифохонага келади. Навбатчи шифокор Баҳодир Каримовнинг нотўғри ташхиси туфайли укол сингмай беморнинг буйрагида йиринг ҳосил қилади. Алалоқибат Наргизанинг бир буйраги тамоман ишдан чиқади. Энди бу бўйича жабрланувчининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қилган мурожаати самарасиз кетади. Чунки шифохонадаги мутасаддилар ўз айбларини яшириш ниятида Н. Маматованинг касаллик тарихини бутунлай йўқотиб юборишган. Юқорида айтиб ўтганимдек, агар истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқини англаганда эди, балки соғайиб кетарди ёки айбдор ўз вақтида жазосини оларди. Кейинги пайтларда бундай ҳолатлар билан танишиб, суд ишларида қатнашиб сезаяпмизки, жамиятда эндиликда нодавлат тиббий экспертиза марказларига ҳам эҳтиёж туғилаяпти. Чунки ҳозирги тиббий экспертиза марказлари соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунади. "Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди" деганларидек, улар ўз тизимидаги айбни очишда ишга холис ёндашади, деб ҳеч ким айтолмайди. Агарда нодавлат экспертиза марказлари бўлса, соғлом рақобат туфайли у ерда ҳар қандай шароитда ҳам масалага тўғри баҳо беришга мажбур, чунки улар ўз эртасини ўйлаб иш тутади.

Бугунги кунда хизмат кўрсатишнинг деярли барча турларида хусусий мулк эгалари фаолият юритмоқда. Ҳар бир тадбиркор ўз фирма ёки корхонасини рақобатда ютқазмасликка, мижозлар ишончини янада кўпроқ қозонишга интилади. Бу истеъмолчилар учун яхши, албатта.

Лекин истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни ҳаёт тақозо қилаяпти. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор жамиятда истеъмолчиларнинг фаоллигини, хизмат кўрсатувчиларнинг масъулиятини янада оширди.

— Истеъмолчи деганда фақат сотиб олувчи, яъни харидор тушунилмайди, — дейди И. Холмирзаев. — Аксинча, аҳолининг барча қатлами истеъмолчи саналади. Яқинда бирлашмамизга Юнусобод тумани Орипов кўчаси 4-уйда яшовчи аҳоли вакиллари мурожаат қилиб келди. Уларнинг арзини эшитиб билдикки, "Турон" уй-жой мулкдорлари ширкати тузилган шартномадаги кўрсатилган шартларни бажармасдан келган. "Ҳисобимизда пул йўқ" дея ўзига қарашли ҳудудни ахлатлардан тозалашни пайсалга солган, уй томида аҳоли рухсатисиз ўзбошимчаликка йўл қўйган. Биз масала билан танишиб, ширкат раҳбарларининг саъй-ҳаракати қонунга зидлигини айтганимиздан сўнг ширкат маъмурияти аҳолидан кечирим сўради. Аҳолига ҳам коммунал тўловларни вақтида тўлаб бориши лозимлигини тушунтирдик.

Кези келганда айтиб ўтиш керак, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси таркибига 14 та ҳудудий бирлашма, уларга эса 210 та туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари киради. Ўз навбатида бу жамиятлар жойларда ўн минг жамоатчилик гуруҳларига таянади. Мамлакатимиздаги деярли барча маҳаллалар-у, фуқаролар йиғинларидан аъзолар бўлган бу гуруҳларнинг ҳуқуқий малакасини ошириш учун федерация раҳбарияти машғулотлар уюштириб келмоқда. Мақсад битта — у ҳам бўлса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш.

Худойберди ЭШМАНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



Меҳнат азиз қилганлар

«Абдулла ота» фермер хўжалиги бугунги кунда Навбаҳор туманидагина эмас Навоий вилоятида ҳам номдор фермерлар сирасига киради. 3,5 гектар ташландиқ ерда деҳқончиликни бошлаган фермер Абдулла Раҳимовнинг тасарруфида бугун 43 гектар ер бор.

Асосан чорвачиликка ихтисослашган хўжаликда ҳозирги кунда пахта, ғалла, боғ ва полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилаётир. Мўл ҳосил эса тўкинчилик гаровидир.

СУРАТДА: хўжалик ишчиси Олим Қаҳҳоров.

Шавкат ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

PACT TIMOUR лойиҳасига грант

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Темурийлар даври меъморчилиги археоматериаллари" мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман Европа Комиссиясининг Халқаро ассоциацияси (INTAS), Европа давлатлари университетлари ва Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ташаббуси билан ташкил этилди. Унинг ишида Италия, Франция, Россия олимлари ҳам қатнашди.

Биз Янги тарих маркази директори, профессор Анатолий САЪДУЛЛАЕВ билан учрашиб, ана шу халқаро анжуман тўғрисида суҳбатлашдик.

— Жаҳон илм-фан ва маданият аҳлига яхши маълумки, темурийлар давридан қолган тарихий-маданий мерос инсоният тамаддуни ривожида муҳим ўрин тутади, — деди профессор А.Саъдуллаев. — Шу сабабларга кўра, бир неча йил аввал Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ва Франциянинг Бордо университети олимларининг ўзаро учрашувларида темурийлар даврига оид меъморий обидаларни янги асосларда ўрганиш ва уларни асрабавайлаш масалалари юзасидан фикрлашилган эди. Европа Комиссиясининг INTAS ассоциацияси бизнинг режалаштирилган илмий тадқиқотлар бўйича таклифларимизни ўрганиб чиқиб, PACT TIMOUR номли лойиҳамизга ўз грантини ажратди.

Лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон, Франция, Италия, Россия ва Финляндия олимларидан иборат махсус илмий гуруҳ тузилди. Илмий гуруҳ аъзолари турли соҳа мутахассислари бўлиб, уларнинг орасида меъмор-муҳандислар, кимёгарлар, физиклар, археологлар, тарихчилар, шарқшунослар ва музейшунос олимлар бор.

INTAS грантининг лойиҳа режалари дастлаб 2002 йилнинг октябрь ойида Бордо шаҳрида ўтказилган халқаро илмий анжуманда муҳокама қилинди. Айнан ана шу анжуманда республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларида халқаро илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини Тошкентда, навбатдаги илмий анжуманда муҳокама қилиш келишиб олинган эди.

— Бу халқаро илмий ва амалий тадқиқотлар қайси йўналишларда олиб борилади ва асосий эътибор қандай муаммоларга қаратилади?

— Улар турли йўналишлардаги жуда муҳим масалаларни қамраб олади. Биринчи йўналиш — XX асрнинг 20-80-йилларидаги мамлакатимиз меъморий ёдгорликларининг аҳволи. Маълумки, бу йиллар собиқ совет даври эди. У даврда саноат, қишлоқ хўжалиги, ирригацияга зўр берилиб, республикада оғир экологик муаммолар пайдо бўлди. Улар тарихий обидаларга емирувчи таъсир кўрсатди. Бунинг устига, тарихий шаҳарларда ўтмиш қадриятларини беқадр қилишга қаратилган замонавий қурилишлар олиб борилди. Хуллас, халқаро илмий тадқиқотларнинг муҳим вазифаларидан бири Ўзбекистондаги тарихий-

Халқаро ҳамкорлик

маданий меросга совет даврида етказилган зарарнинг кўлами ва даражасини аниқлашдир. Иккинчи йўналиш, табиий равишда, ана шу меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва тиклаш муаммоларини, шу билан боғлиқ равишда замонавий қурилиш материалларининг сифати ва эски сиркор ғиштларнинг таркибий хусусиятларини ўрганишни ўз ичига олади.

Ниҳоят, яна бир муҳим мавзу, бу — меъморий мерос ва замонавий туризм масаласидир. Шунингдек, Ўзбекистон музейларининг мақоми ва музейшуносликни ривожлантириш йўналишида ҳам халқаро илмий гуруҳ иш олиб боради.

— Битта масалага ойдинлик киритсак: Нега темурийлар даври тарихий-маданий мероси Ўзбекистон янги тарихи марказининг илмий тадқиқот мавзуси бўлиб қолянти?

— Бунинг учун "Янги тарих" иборасининг ўз моҳиятини бироз изоҳлашга тўғри келади. Янги тарих — фақат янги давр тарихини ўрганиш билан боғланиб қолган хронологик тушунча эмас. Ушбу тушунчага илмий-концептуал жиҳатдан ёндашиш тўғрироқ бўлади. Яъни янги тарих тушунчаси ўтмишга янгича ёндашувни ҳам англатади. Бу янгича ёндашувнинг бош мезонлари — миллий тарихни холис, адолатли, асл манбаларга таянган ҳолда ҳаққоний ёритиш, совет даврида қийшиқ кўзгуда кўрсатилган тарихий-маданий меросни чуқур ва ҳалол тадқиқ этиб, халққа етказиш тамойилларидир. Жумладан, темурийлар даври тарихи ва маданияти ана шундай замонавий илмий-амалий ёндашувларга анча эҳтиёж сезиб турибди.

Янги тарих марказида турли тарихий даврлар бўйича мутахассис-олимлар фаолият кўрсатмоқда. Марказ режаларида янги илмий изланишлар, жумладан, хорижий илмий марказлар ва олимлар билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш ҳам кўзда тутилган.

— PACT TIMOUR лойиҳасини амалга оширишда республикамизнинг бошқа илмий муассасалари ҳам жалб этилганми?

— Ўтган йиллар мобайнида янги тарих маркази ЎзР ФА Тарих институти, республика университетлари, музейлари ва бошқа илмий муассасалар билан ҳамкорликда турли илмий-оммабоп китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини тайёрлади.

"Темурийлар даври меъморчилиги архео-материаллари" мавзуси бўйича илмий-амалий тадқиқотларда ЎзР ФА Археология институти, Шаҳрисабз шаҳри Амир Темур музейи, Бухоро шаҳри меъмор-муҳандислари ҳам иштирок этмоқда. Давлат ва жамият қурилиш академиясида ўтказилган илмий-амалий анжуманда эса Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат архитектура-қурилиш институти, республикамиз меъморий обидалари қўриқхоналари ва музейлари ходимлари ҳам қатнашиб, қизиқарли маърузалар қилдилар.

— Анжуманда мамлакатимиздаги ёдгорликларнинг аҳволи адолатли, ҳаққоний таҳлил этилди. Ҳатто айрим ёдгорликлар илмий асосланган фикрлар инобатга олинмасдан қўл учида таъмирланаётгани айтиб ўтилди.

PACT TIMOUR лойиҳаси асосида олиб борилаётган тадбирлар, жумладан, "Темурийлар даври меъморчилиги археоматериаллари" анжумани катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Улар миллий тарихимиз ва маданиятимизни янада чуқурроқ тушунишга йўл очади, меъморий ёдгорликларимизни юксак сифатли таъмирлаб, тиклаб, уларга барҳаётлик бағишлашга имконият яратади. Қолаверса, бизнинг тарихий-маданий бойликларимизнинг халқаро миқёсдаги тарғиботига кўмаклашади.

Суҳбатдош: М.САФАРОВ.

Хабарлар оқимидан

Ҳуқуқий ёрдам

Наманганда фаолият бошлаган «ДЭН» аёллар заҳира маркази Американинг «Винрок интернейшнл» ташкилоти Ўзбекистондаги ваколатхонасининг кўмагида ташкил этилди. Марказ аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича тайёрланган лойиҳалар асосида жойларда қатор тренинг машғулотлари ўтказмоқда.

Унинг лойиҳа дастури асосида ахборотнома ҳам чоп этиляпти. Унда жамиятда аёлнинг мавқеини оширишга хизмат қилувчи омилларни ўз ичига олган маълумотномалар ёритилмоқда.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Камалак-2003»

Пойтахтдаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар мактаблари қошидаги соғломлаштириш оромгоҳлари дам олувчиларининг анъанавий «Камалак-2003» фестивали ўтказилди.

Шу куни боғ болаларнинг қувноқ кулгулари билан тўлди. Боғда «Ёш юлдузлар» ўзларининг санъатлари билан кўнгилларга қувонч улашса, «Ёш экологлар» ижодий реферат ва расмларини намойиш этишди. Боғнинг сокин бурчагида эса «Болалар нигоҳида дунё» мавзуида расмлар танлови ўтказилди. Энг сершовқин майдончада кучлилар беллашишди.

Мазкур фестивал Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда қўшимча таълим мажмуаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Туркистон-пресс».

«Аёл зоти» экранда

Тошкентда БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти ва аҳолишунослик жамғармаси ҳомийлигида суратга олинган «Аёл зоти» телесериалининг тақдимот маросими ўтказилди.

1998 йилда ишлана бошланган ушбу сериал ўн тўққиз қисмни ташкил этади. Сериалнинг муваффақият қозонишида таниқли кинорежиссёр Зулфиқор Мусоқов бошчилигидаги актёрларнинг хизматлари катта.

Сериал аёлларнинг ижтимоий ҳимоясига бағишланиб, қайнона ва келин ўртасидаги муносабат, гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши курашда аёлнинг роли борасида ҳикоя қилади.

Севара ЖУМАБОЕВА.

Газетада босилмади, аммо...

Чернобилчи аризаси қаноатлантирилди

Тахririятга хат

Мен 1988 йили Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатиш ишларида қатнашганман. Шунга кўра, иккинчи гуруҳ ногиронлигини олганман. Бир қатор имтиёзларга эгаман. Бироқ айрим раҳбарлар менинг ҳақ-ҳуқуқларим билан ҳисоблашмаяптилар. Ана шунинг оқибатида такрор-такрор мурожаат қилишимга қарамай, ҳанузгача уй-жой қуриш учун ер участкаси ололмаяпман. «Фарғона» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси О.Усмонов ҳар сафар «Сенга ер беролмаймиз», дейишдан нарига ўтмаяпти...

Эгамназар ЕТМИШЕВ.

Расмий жавоб

Эгамназар Етмишевнинг «Халқ сўзи» таҳririятига йўллаган шикоят хати туман ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилди. Шу жараёнда унинг аризаси қаноатлантирилди. Оилавий шароити ҳисобга олиниб, туман ҳокимининг қарорига кўра, 6 сотих ер уй-жой қуриш учун, 15 сотих майдон томорқа учун лойиҳа бўйича ажратиб берилди.

Т. ҚОДИРОВ, Оқолтин тумани ҳокими.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !

COSCOM GSM

COSCOM компанияси муштарийлари диққатига!

Компания 2003 йил 1 июлидан хизмат кўрсатиш шартларига ўзгартишлар киритади.

Халқаро алоқа хизматидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш

Халқаро алоқадан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш мижозларнинг баланси $14,99дан кам бўлган ҳолда маълумот бермасдан автоматик равишда амалга оширилади.

Мижозларнинг халқаро алоқадан фойдаланишларини тўхтатиб қўйиш қуйидагича бўлади:

- *юридик шахслар учун душанбадан жумагача, кунига бир маротаба соат 9.00дан;*
- *жисмоний шахслар учун душанбадан шанбагача, кунига бир маротаба соат 9.00дан.*

Халқаро алоқадан фойдаланиш мижозларнинг баланси $25дан кам бўлмаган белгигача етказилса, автоматик равишда фаоллаштирилади.

Белгиланган ўчириб қўйиш чегараси балансидан кам бўлганда тизим хизматидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш

- *Юридик мижозлар учун: автоматик маълумот бериш тизими орқали муштарий огоҳлантириш қўнғироғи рўйхатга олинганидан сўнг 36 соат ва ундан кўпроқ вақт ўтганидан кейин ёки 10 маротаба қўнғироқ қилишга урониб кўрилганда.*
  Сешанбадан жумагача ҳафтада 4 маротаба.
- *Хусусий мижозлар учун: автоматик маълумот бериш тизими орқали муштарий огоҳлантириш қўнғироғи рўйхатга олинганидан сўнг 24 соат ва ундан кўпроқ вақт ўтганидан кейин ёки 10 маротаба қўнғироқ қилишга урониб кўрилганда.*
  Душанбадан шанбагача ҳафтада 6 маротаба.

«COSCOM» ҚК

Кечаю кундуз ишлайдиган абонент хизмати телефонлари: 180-00-00, 181-00-00.
Автоматик маълумот хизмати телефони: 152-10-00.
Маълумот олиш учун телефон: 182-00-00.

GSM UZDUNROBITA first cellular

ЁҚИМЛИ ЁЗГИ ЯНГИЛИК!

АНДИЖОН ВА АСАКА ШАҲАРЛАРИДА ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ







ҲАМДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ҒАЗАЛКЕНТ ШАҲРИДА

ХАЛҚАРО SMS ТАРМОҚЛАР МУШТАРИЙЛАРИ БИЛАН

NEW! БИЛАЙН (Россия) · МТС (Россия) · МЕГАФОН (Россия) · Kcell (Қозоғистон) · orange (Швейцария) · NEW! TURKCELL (Туркия) · TELSIM (Туркия)

NEW! GSM тармоғига УЛАНИШ:
SIM-КАРТАНИ ПРОГРАММАЛАШТИРИШ 5$
ГАПЛАШУВЛАР УЧУН ОЛДИНДАН ТЎЛОВ 25$

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ: УСМОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ, 16-ЎЙ ("ЛАБЗАК")
1300909, 1310909, 1030909
"UZDUNROBITA" КҚ ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 611

WWW. UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ:
АНДИЖОН: 90909; БУХОРО: 70909; ЖИЗЗАХ: 79909; НУКУС: 10909; ҚАРШИ: 20909; НАВОИЙ: 250909; НАМАНГАН: 12909; САМАРҚАНД: 80909; ТЕРМИЗ: 29909; ГУЛИСТОН: 40909; ФАРҒОНА: 10909; ҮРГАНЧ: 10909; ОЛМАЛИҚ: 60909; БЕКОБОД: 23466 ; ДЕНОВ: 29008; ЧИРЧИҚ: 69909; ЯНГИЙЎЛ: 40909; ШАҲРИСАБЗ: 31900

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН

Украиналиклар ўзбек тилини ўрганмоқда

Мустақил Ўзбекистонимизнинг дунёга танилишида она тилимизнинг ҳам ўрни бор. Зеро, чет элларда ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг 12 та нуфузли университетида ўзбек тилини ўрганиш курслари очилганлиги фахрланишга арзигулик ҳодиса. Бундан икки йил аввал Тарас Шевченко номидаги Киев Миллий университетида ўзбек тили ва адабиёти бўлимига танлов эълон қилинган эди.

— Ўн икки киши ўрнига танловда жуда кўпчилик иштирок этганлиги бизни ҳайратга солди, — дейди Киев Миллий университети ректори, академик Виктор Скопенко. — Бундай муносабат боис дарҳол Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорлик режасини туздик. Шунга кўра, талабаларимизни ўзбек тилини пухта эгаллаб, малака оширишлари учун катта умид билан Ўзбекистонга юбордик.

Дарҳақиқат, дўстона умид ва ишонч билан илк баҳорда юртимизга келган украиналик талабаларга Ўзбекистон Миллий университетида қулай шарт-шароитлар яратилди. Улар уч ой мобайнида кўҳна университетнинг ўзбек тили ва адабиёти факультети туркология кафедрасида малакаларини ошириб, тажрибали профессор-ўқитувчилар ёрдамида ўзбек тилини пухта эгаллаб олдилар. Бу муваффақиятнинг сири, аввало, ўзбек тили таълимининг замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилганлиги бўлди. Чет элликларга ўзбек тилини жадал усулда ўрганишга мўлжалланган ўқув дастури ишлаб чиқилди ва амалиётда синаб кўрилди.

Украиналик талабаларга университет олимлари томонидан тайёрланган 4 та аудиокассетали «Чет элликлар учун ўзбек тили» дарслигини лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида ўқиб ўрганиш жуда манзур бўлди. Тажрибали ўқитувчилар З. Юнусова, У. Ҳикматуллаева, Н. Аловуддиновларнинг қизиқарли амалий машғулотлари украиналикларнинг ўзбек тилини қисқа муддатда кўнгилдагидек ўзлаштиришларига ёрдам берди.

— Ўзбекистонга келишимга, ўзбекчани уч ойда ўрганиб олишимга унчалик ишонмаган эдим, — дейди украиналик талаба Марина Оберменко. — Ўқитувчиларнинг муносабати ва маҳорати, қолаверса, юртингизнинг гўзаллиги бизни ўзига ром этди. Бизга яратилган шароитлар, Интернетдан фойдаланиш имконияти яратилгани, маданий тадбир ва саёҳатларда юрганларимиз ўзбек тилини яхши эгаллаб олишимизга катта ёрдам берди.

Яқинда украиналик талабаларга ўзбек тили ихтисослиги бўйича малака оширганликлари тўғрисида ЎзМУ гувоҳномаларини топшириш маросими ўтказилди. Университет ректори, академик Т. Долимов билан ўзбек тилида бемалол суҳбатлашган украиналик талабалар кўрсатилган ёрдам учун ташаккур билдириб, ўз фаолиятларини ўзбек-украин маданиятининг тарғиботчилари бўлишга қаратажакларини ғурур билан таъкидладилар. Икки талаба эса ўзбек тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича магистратурага кириб ўқиш истагини билдиришди.

Абдурозиқ РАФИЕВ,
ЎзМУ кафедра мудири.



ҲАВОДАН ПУЛ ОЛИШНИ хоҳлайсизми?!

ТАШКИЛОТ кислород (шу жумладан, медицина кислороди), азот ишлаб чиқариш бўйича АЖ КЖ-007 русумли КИСЛОРОД СТАНЦИЯСИНИ СОТАДИ.

Асосий параметрлари
1. 1 соатда кислород ишлаб чиқариш — 70 м³
2. Фойдаланиладиган техник мой — йилига 600 литр
3. Фойдаланиладиган электр энергияси — соатига 96 КВт

Мурожаат учун телефон 133-31-02.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

ТОШКЕНТ СОЛИҚ КОЛЛЕЖИ

ўқитувчилар таркибига танлов эълон қилади.

Танловда илмий даражага, илмий унвонга ва илмий педагогик иш стажига эга бўлган умумтаълим (математика, физика, кимё, биология, иқтисодий география, рус тили, астрономия, нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш, шахс ва жамият) ва информатика фанлари бўйича юқори малакали мутахассис, коллежда ишлашга салоҳияти ва истаги бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашишлари мумкин.

Танловга топширилиши зарур бўлган ҳужжатлар:
- коллеж директори номига ариза;
- талабгорнинг тўлдирилган шахсий варақаси;
- 4х6 ўлчамли 4 дона рангли фотосурат;
- таржимаи ҳол;
- охирги иш жойидан хизмат тавсифномаси;
- олий ўқув юртини битирганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- илмий даражага эгалигини тасдиқловчи ҳужжат;
- босмадан чиққан илмий ишлари ва кашфиётлари.

Ишга қабул қилинганлар солиқ хизмати ходимларига белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, С.Юсупов кўчаси, 3-уй.

Телефонлар: 75-87-77, 75-38-86, 75-64-47.

Голландиянинг Гауда шаҳрида XXVII халқаро кулолчилик маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 30 мамлакатидан 140 га яқин вакил қатнашди.

Ўзбекистон кулоллари Голландияда

1976 йилда ташкил этилган бу кўргазма бугунги кунда кулолларнинг халқаро учрашувига айланган. Хусусан, жорий йили унда тошкентлик Назира Қўзиева ва самарқандлик Худойберди Ҳақбердиевлар ўзларининг бетакрор санъат намуналари билан қатнашишди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан кўргазма директори жаноб Кис Слингерланд Ўзбекистон иштироки кўргазмага ўзгача жозиба бахш этганини алоҳида таъкидлади.

— Бундай кўргазма ва тақдимотлар ёрдамида сизнинг маданиятингиз Нидерландияда кенг танилади, — деди Утрет шаҳри кулолчилик санъати ўқув юрти мутахассиси Имеке ван Влиет.

Бу йилги тадбирда Германия мезбонлик ролини бажарди. Ўтган йилларда Испания, Франция, Бельгия каби давлатлар унга бошчилик қилишганди. Сўнгги учрашувда эса ташкилотчилар келажакда Ўзбекистонни ҳам кўргазма бекаси сифатида таклиф этиш ниятлари борлигини маълум қилишди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА.

«Сохта» тадбиркорнинг «қўлбола» заводи

Мамлакатимизда тадбиркорлар, хусусан, ишлаб чиқариш билан шуғулланишни ихтиёр этган ишбилармонларга катта имкониятлар яратиб бериляпти. Ўзбекистон туманининг Каримдевона қишлоғида яшовчи Рамизбек Исағалиев ҳам бу борада ўз иқтидори ва қобилиятини синаб кўрмоқчи бўлди. Давлат солиқ идораларидан пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш учун рўйхатдан ўтди, лицензия олди. Лекин ҳовлисига пластмасса тайёрлайдиган ускуна ўрнига плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ускуна ўрнатди. Тадбиркор ўзича хаёл қилди: «Пластмасса маҳсулоти тайёрланди нима-ю, плёнка ишлаб чиқарилди нима ? Энг муҳими, солиқчилар, назоратчилар билишмаса бас».

Шундай қилиб, яхши ният билан бошланган ишга дастлабки кунданоқ ёлғон, давлатни, солиқ идораларини алдаш аралашди. Лекин бундай сохта тадбиркорлик билан хуфёна корхонада иш юритиш узоққа бормаслигини Рамизбек тўла тушуниб етмаган эди. Ускуна ўрнатилди, шундоқ туғмачани босса, мурватлар айланиб, маҳсулот чиқа бошлайди. Лекин бир муаммо бор эди. Хомашёни қаердан олиш керак? Бозордан сотиб олса, мўлжалдаги фойда бўлмайди. Шу ўринда уни дастлаб йўлдан алдаган шайтон яна алдашга тушди. «Ҳозир нима кўп, плёнка остига чигит экадиган кўп. Кўпчилик деҳқонлар плёнка остига экдик, деб маълумот беради-ю, аслида хўжалик ҳисобига олинган бу маҳсулотни енг учида сотиб юборади».

Рамизбек тўғри, ҳалол йўл турганда, шайтоннинг гапига кириб, қинғир йўлдан боришни маъқул кўрди. Нафақат ўзи яшаётган тумандаги, балки атроф туманлардан, хўжаликлардан ҳам ўғирликка чигит экишга мўлжалланган пайкалларни сотиб ола бошлади. Шундай қилиб, далада эртанги ҳосил етиштиришга мўлжалланган, ҳали оҳори тўкилмаган, ғилофидан чиқарилмаган плёнкаларга болта урилди. Улар майдаланиб, Рамизбекнинг ўз ихтироси билан яратилган мосламаларда эритилиб, яна донадор хомашё ҳолига келтирилди. Энди бу сохта тадбиркорнинг ускунасида чигит экишга мўлжалланган юпқа плёнкалар қалинроқ, энлироқ, асосан иссиқхоналарда ҳамда том ёпқич сифатида ишлатиладиган плёнкага айлантирилиб, чиқарила бошланди.

Қилмиш — қидирмиш

Ҳисоб-китобларга қараганда, бу учар тадбиркорнинг қўлбола корхонаси салкам бир йил давомида фаолият кўрсатган. Корхонада қанчадан-қанча ғалтакка ўралган плёнкалар майдаланиб, қайтадан хомашёга айлантирилиб, бозорбоп плёнкалар тайёрланди. Яхшики, нафси ҳакалак отаётган бу «ишбилармон»нинг фаолиятига Фарғона вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси ходимлари чек қўйишди. Дастлабки текширув давомида Рамизбек яшаётган хонадонда энди эни 0,6 метр бўлган, 64 дона ғалтакда Жиззах пластмасса корхонасида тайёрланган плёнкалар, 14 та қопда эса салкам 400 килограмм донадор хомашёлар далилий ашё тариқасида қўлга олинди. Кейинчалик тадбиркорнинг отасига қарашли ҳовли кўздан кечирилиб, у ердан яна юқоридаги корхонада тайёрланган 384 дона ғалтакдаги чигит экишга мўлжалланган плёнка ҳамда 486 дона бўш ғалтаклар топилди. Айнан шу хонадонда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан тушган 1 миллион 129 минг сўм пул, ҳамда 850 АҚШ доллари ҳам чиқиб қолди.

Жиноий иш ўрганилгани сари ип чувалаша борди. Унинг бир учи Рамизбекнинг амакиси Аҳмадали Исағалиевнинг хонадонига ҳам бориб тақалди. Бу хонадонда ҳам 121 дона ғалтакда пахта плёнкаси ноқонуний равишда сақланаётган экан. Бундан ташқари тайёр маҳсулот айнан шу хонадонда ўз харидорларига етказиб берилар экан. Акс ҳолда хонадон эгаси бозорбоп плёнка сотишдан тушган 3 миллион 148 минг сўм пулни қаердан келганлигини тушунтириб беролмасдан ҳалак бўлмас эди. На Рамизбек ва унинг отаси, на укаси, на амакиси чигит экишга мўлжалланган плёнкалар қаердан, кимдан, қайси ҳужжатлар асосида олиб келинганлигини дурустроқ тушунтириб ва исботлаб беришолмади. Лекин суриштирув давомида Жиззах пластмасса корхонасида ишлаб чиқарилган ҳар бир килоси 1153 сўм бўлган плёнкаларни бу сохта тадбиркор виждонини ютган деҳқонлардан 600 сўмдан сотиб олганлиги аниқланди. Дастлабки ҳисоб-китоблар бу сохта тадбиркор фаолиятига чек қўйилгунга қадар 18 минг 313 килограмм пахта плёнкасини эритиб, хомашёга айлантириб, бошқа ҳажмдаги плёнкалар ишлаб чиқарганлигини кўрсатиб турибди. Ана энди ўзингиз бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг. Агар ҳар бир гектар майдонга ўртача 60 килограммдан плёнка сарф қилинадиган бўлса, бу ишбилармонларнинг юлғичлиги туфайли 300 гектар майдонга чигит плёнка остига экилмай қолиб кетганлигининг сири очилиб қолади. Бундан ташқари, уюшган гуруҳ умумий қиймати 21 миллион 114 минг сўмлик плёнкани 10 миллион 987 минг сўмга сотиб олган. Яна бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Жиззахдан юқоридаги плёнкани сотиб олган хўжаликлар ўз хазинасидан плёнканинг амалдаги нархи миқдорида пул ўтказиб берган. Энди 10 миллион сўмдан зиёд ўрталдаги фарқнинг зарари кимнинг чўнтагига тушади? Буларнинг барчасига қилни қирқ ёрадиганлар жавоб топиб бериши, шубҳасиз.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси

репертуар ва назорат бошқармасининг бош мутахассиси ва етакчи мутахассиси лавозимларига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.

Танловда олий маълумотли, ихтисослиги бўйича камида беш йил иш тажрибасига эга бўлган бастакор, мунаққид ёки журналистлар иштирок этиши мумкин.

Аризалар шу йилнинг 20 июлигача қуйидаги манзилга топширилиши лозим: Тошкент ш., А.Навоий к., 2-уй, «Туркистон» саройи, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси. Маълумот учун телефон: 135-85-71.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизовга падари бузруквори **ТУРСУНХЎЖА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур қайғу изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

«Ижод дунёси» нашриёт уйи, «Зеркало XXI» газетаси жамоалари газета бош муҳаррирининг ўринбосари Михаил Егоровга онаси **Нина ЕГОРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия институти жамоаси институт моддий таъминот бўлими бошлиғи Ҳасан Абдураззоқовга падари бузруквори **Озод АБДУРАЗЗОҚОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари олмон тили фонетика ва фонология кафедраси мудири Мая Саидовага укаси **БОБУРЖОНнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Акциядорлик-тижорат «Турон» банки жамоаси Алиқул Эрдонаевга қизи **АЗИЗАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 608. 22990 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғозлан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] - Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6